

“Hududiy elektr tarmoqlari” акциядорлик жамияти

Ягона акциядорининг 2-сонли

КАРОРИ

2022 йил 25 июль

Тошкент шаҳри.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан чиқарилган ва жойлаштирилган акциялар 84 680 814 487 донани ташкил этади.

“Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг барча овоз берувчи акциялари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тегишли бўлиб, ушбу вазирлик Жамиятнинг Ягона акциядори ҳисобланади.

Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 58-моддасига асосан қўйидаги масала юзасидан қабул қилинди:

1. “ЭНЕРГО-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисида.

2. “ЭНЕРГО-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш шартномасини ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисида.

3. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш тўғрисида.

Қун тартибидаги биринчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Энергетика Вазирлиги ҳузурида “Миллий диспетчерлик маркази” давлат унитар корхонасини ташкил этиш тўғрисида”ги 2022 йил 24 мартдаги 126-сон қарорининг 8-бандига мувофиқ “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги ташкилотларни ушбу жамиятнинг ҳудудий филиаллари этиб қайта ташкил этиш белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 28.03.2022 йилдаги 3-сонли қарорига мувофиқ Жамият тизимидаги “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг “Давлат харидлари Маркази” филиалига айлантириш бўйича қарор қабул қилинган.

Шу билан бирга, “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг филиалига амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳолда айлантириш учун, аввалом бор, мазкур корхонани “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга қўшиб олиш йўли билан қайта ташкил этилиши ва шундан сўнг қўшиб олинган корхона негизида филиални ташкил этилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 94-моддасига биноан қўшиб олаётган жамият ва қўшиб олинаётган жамият акциядорларининг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишларида қўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги масалани тасдиқлаши зарур.

Ўз навбатида, “Энерго-РЭС” МЧЖ Ягона таъсисчисининг 27.05.2022 йилдаги қарори билан ушбу жамиятнинг “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш йўли билан бўйича қайта ташкил этилиши тасдиқланган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини ва амалдаги қонунчилик талабларини таъминлаш мақсадида “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этилишини тасдиқлаш лозим ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш йўли билан Жамиятни қайта ташкил этилиши “Энерго-РЭС” МЧЖ Ягона таъсисчисининг 27.05.2022 йилдаги қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Энерго-РЭС” МЧЖнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга ўтказган ҳолда тугатиш йўли билан Жамиятни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга бирлаштириб, филиалга қайта ташкил этиш масаласи тасдиқлансин.

Кун тартибидаги иккинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 28.03.2022 йилдаги 3-сонли қарорига мувофиқ Жамият тизимидаги “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг “Давлат харидлари Маркази” филиалига айлантириш бўйича қарор қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 94-моддасига асосан кўшиб олаётган жамият ва кўшиб олинаётган жамият акциядорларининг (иштирокчиларнинг) умумий йиғилишларида кўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномасини тасдиқлаши лозим.

Ўз навбатида, “Энерго-РЭС” МЧЖ Ягона таъсисчисининг 27.05.2022 йилдаги қарори билан ушбу жамиятнинг “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш бўйича шартнома ва топшириш далолатномаси тасдиқланган.

Шунга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини ва амалдаги қонунчилик талабларини таъминлаш мақсадида “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш лозим ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномаси “Энерго-РЭС” МЧЖ Ягона таъсисчисининг 27.05.2022 йилдаги қарори билан тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Энерго-РЭС” МЧЖни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖга кўшиб олиш шартномаси ва топшириш далолатномаси 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати ўзининг 22.04.2022 йилдаги 14/5679-сонли хати билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳолати юзасидан ўтказилган текшириш натижалари бўйича далолатнома юборган.

Мазкур далолатномада Жамиятда ахборот ва киберхавфсизликни таъминлашга масъул бўлган алоҳида бошқарма ёки бўлим мавжуд эмаслиги сабабли ва иш кўламининг кенглиги ва ҳажмининг катталиги туфайли ташкилот ахборот инфратузилмасининг ахборот ва киберхавфсизлиги етарлича таъминлана олмаслиги қайд этилган.

Ўз навбатида, “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги корхоналар тасаруфида бугунги кунда 270 минг кмдан ортиқ электр ўзатиш тармоқлари ва 80 мингдан ортиқ турли ҳил қувватдаги трансформатор пунктлари ва подстанциялари мавжуд бўлиб, ушбу тақсимловчи электр тармоқларини барқарор ва ҳафсиз ишлаши учун 1991 йилга қадар ва ундан сўнг бир неча ўнлаб меъёрий хужжатлар қабул қилинган.

Шунингдек, ҳозирги кунда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги корхоналарда 25 мингдан ортиқ ходимлар ишлаб келмоқда ва шулардан 15 мингидан ортиғи ҳар кунлик фаолиятида ҳаёт ҳафсизлиги билан бевосита боғлиқ бўлган юкори қувватлардаги асбоб-ускуналар билан ишлаб келмоқда.

Ҳозирги кунда, электр энергиясига бўлган талаблар ва юкламалар бўйича меъёрлар шиддат билан ўзгараётганлиги сабабли тизим корхоналариги умумий ва ички меъёрларига ҳам зудлик билан ўзгартиришлар киритиш талаб этилмоқда.

Шўнга кўра, ҳамда тақсимловчи электр энергияси тизимини ўзлуксиз, барқарор ва ҳафсиз ишлашини таъминлаш, корхоналарда юкори юкланишдаги асбоб-ускуналар билан ишлаётган ходимларнинг ҳафсизлигини таъминлаш мақсадида тизимдаги меъёрий хужжатларни замон талабларига мос келтириш зарурияти пайдо бўлганлиги учун “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг

марказий аппаратида алоҳида Методология ва стандартлаштириш бошқармаси ташкил этишга зарурат мавжуд.

Кўрсатиб ўтиш жойизки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 23.10.2018 йилдаги ПҚ-3981-сонли қарорига биноан Электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимига 7 млн. истеъмолчиларни улаш, 2021 йил якунига қадар ЭЭХОваНҚАТ (АСКУЭ) қамровини абонентлар умумий сонининг 100 фоизгача етказиш топшириғи берилган ва ҳозирги кунда бутун Республика бўйича АСКУЭ тизими 100 фоизга ўрнатилди.

Шу муносабат билан, Жамият “Электр энергиясини ҳисобга олишни автоматлаштириш маркази” филиалига электр энергиясини сотишни ва назорат қилиш функциялари юклатилиши зарур ҳисобланади.

Шунингдек, Жамият тизимида жами 16 та юридик шахс ва 2 та филиал мавжуд бўлиб, тизим корхоналари ва таркибий бўлинмалари ўз фаолият жараёнида жуда кўп сонли суд ишларига баъзан давогар, баъзан эса жавобгар сифатида жалб қилинмоқда.

Бунда, юқори ташкилот сифатида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Юриспруденция бошқармаси ходимлари ҳам бевосита турли ҳил суд ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан кўп сонли суд жараёнларига жалб этилмоқда.

Шунга кўра, тақсимловчи электр тармоқлари яъни “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг марказий аппаратида бевосита алоҳида Юриспруденция бошқармасига эҳтиёж мавжуд.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 24 мартдаги 126-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ Кузатув кенгашининг 28.03.2022 йилдаги 3-сонли қарорига мувофиқ Жамият тизимидаги “Энерго-РЭС” МЧЖ ҳозирги кунда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг “Давлат харидлари Маркази” филиалига айлантирилди. Шунингдек, Ҳукуматнинг мазкур қарорига биноан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ тизимидаги қолган 14 та ҳудудий электр тармоқлари корхоналарини ҳам Жамиятнинг ҳудудий филиалларига айлантириш ишлари олиб борилмоқда ва бу эса амалдаги қонунчиликка мувофиқ бир неча ойлик вақтни талаб этмоқда.

Шу билан бирга 2022 йилга мўлжалланган Давлат инвестиция дастурлари (“Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Эркин иқтисодий саноат зоналарини ташкил этиш” ва ҳ.к.) билан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ зиммасига янги электр узатиш тармоқларини қуриш, мавжуд тармоқларни модернизациялаш ва капитал таъмирлаш каби бир қатор вазифалар юклатилган.

Ўз навбатида, Давлат инвестиция дастурлари билан юклатилган вазифаларни белгилан муддатларда бажариш учун ҳудудий электр тармоқлари

корхоналарини улар “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ҳудудий филиалларига айлантирилгунга қадар электротехник ускуналар, жихозлар ва махсулотлар билан таъминлаб туриш талаб этилади.

Бу эса ўз ўзидан “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг ташкилий тузилмасига ўзгартиришлар киритишга заруратни пайдо қилмоқда.

Шунга кўра ҳамда “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖ томонидан 2022 йилда давлат инвестиция дастурларини белгиланган муддатларда бажарилишини ва Жамиятнинг тўлақонли фаолиятини йўлга қуйилишини таъминлаш мақсадида “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш лозим ҳисобланади.

Ушбулардан келиб чиқиб “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг Ягона акциядори, **қарор қилади:**

1. “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг янги ташкилий тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ушбу қарор ижросини таъминлаш “Hududiy elektr tarmoqlari” АЖнинг бошқарув раиси У.М.Мустафоев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирининг
биринчи ўринбосари



О.Насритдинходжаев